


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари


Ш.Джаббаров
2021 йил “4” енвар

**Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
давлат қўмитасида коррупцияга оид фактлар бўйича “Ишонч
телефони” тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом “Ишонч телефони”нинг ишлаш тартибини ташкил этиш, аудио ва видеоёзувларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқишни ўз ичига қамраб олган ҳолда, фуқароларнинг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва ишчилари (кейинги ўринларда – қўмита) томонидан йўл қўйилган коррупцияга оид фактлар бўйича келиб тушган ариза, шикоят, таклифлар, мурожаатлар (кейинги ўринларда – мурожаатлар)ни ишлашга маъсул шахслар, шунингдек, “Ишонч телефони” курилмаси ва дастурий таъминотга нисбатан қўйиладиган талаблар тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизимдаги ташкилотлари (кейинги ўринларда – тизим ташкилотлари) ишчиларига татбиқ этилади.

1-боб.Умумий қоидалар

3. Мазкур низомда қўйдаги атама ва таърифлар кўлланилади:

“Ишонч телефони” – аудио ёки видеоёзув, жумладан, видеоконференц алоқа, рўйхатга олиш ва фуқароларнинг давлат органи ишчилари томонидан йўл қўйилган коррупцияга оид фактлар (коррупция, коррупцияга оид хукуқбузарликлар, манфаатлар можароси) бўйча келиб тушган мурожаатлар, шикоятларни таҳлил қилиш кун-у тун қабул қилиш мақсадида ташкил этилган чора-тадбирлар мажмуасидир.

“Сервер”- сервер ёки фуқаролар томонидан юборилган овозли мурожаатлар ва/ёки видеофайлларни ёзиб олиш ва саклаш учун умумий серверда ажратилган диск майдони;

“Атрибутив (аниқловчи) маълумотлар” – ишонч телефони орқали мурожаат қилувчи фуқароларнинг Ф.И.Ш, мурожаатнинг санаси, вақти, моҳияти, кўриб чиқиш учун маъсул бўлган Ветеринария ва чорвачиликни

ривожлантириш давлат кўмитаси бўлими, кўриб чиқиш муддати (талаф этилган тақдирда), чоралар кўрилиши хақида қайд, назоарт қилувчи шахснинг Ф.И.Ш;

“ДТ” – оператор томонидан атрибутив маълумотлар киритилаётган ҳолда рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, мурожаатлар таҳлили , аудио ва видеоёзувлар ҳамда мурожаатлар файлларни автоматик режимда ёзиб олиш ва сақлаш, коррупция хавфига энг кўпа мойилликка эга ишчиларнинг алоҳида фаолият йўналишларни ажратиб олишга имкон берувчи *дастурий таъминот*;

“Оператор” – ишонч телефони орқали келиб тушаётган мурожаатларни қабул қилиш ва атрибутив маълумотларни киритиш вазифаси юклатилган давлат органи ишчиси;

4. “Ишонч телефони”нинг иш фаолиятида экани хақидаги маълумот, мурожаатларни қабул қилиш тартиби қўмита расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

5. “Ишонч телефони”нинг иш фаолияти куну тун тартибida ташкил этилади.

2-боб. “Ишонч телефони” орқали келиб тушуётган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиби

6. Давлат органига “Ишонч телефони” орқали мурожаат 71-276-01-18 ва 71-202-12-00 (ички: 201, 211, 220, 233) ягона рақамига кўнғироқ қилиш орқали амалга оширилади.

7. “Ишонч телефонига”га коррупция, коррупцияга оид хукуқбузарликлар, манфаатлар можароси билан боғлиқ мурожаатлар қабул қилинади.

8. Мурожаатлар шахсан оператор томонидан 09:00 дан 18:00 гача душанбадан жумага қадар (кейинги ўринларда – иш вақти), бошқа вақтда эса (кейинги ўринларда ишдан ташқари вақт)- ДТ орқали автоматик режимда ёзиб олинади.

9. Иш вақтида мурожаатни қабул қилаётган пайтда оператор мурожаат қилувчига Ф.И.Ш ва яшаш манзили ҳамда жавоб маълумотларни юбориш усули (телефон, почта алоқаси, АКТдан фойдаланган ҳолда алоқа ва бошқалар) ҳақида ахборот тақдим этиши зарурлигини билдириб ўтиши шарт.

10. Ишдан ташқари вақтда “Ишонч телефони ” рақамига мурожаат қилинганда, ДТ автоматик режимда мурожжаат қилувчини 8-бандда кўрсатиб ўтилган ахборотларни тақдим этиш зарурлиги ҳақида хабардор қиласи.

11. Ишдан ташқари вақтда автоматик режимда кўйиладиган матн маъкул кўрилган вариантни танлаш имконияти тақдим этилган ҳолда, ўзбек, рус ва инглиз тилда эшилтирилиши зарур.

12. Ишдан ташқари пайтда мурожаатни қабул қилиш вақти 5 дақиқадан ортиб кетмаслиги лозим.

13. Оператор ДТнинг интерфейсига атрибутив маълумотларни киритади. Айни пайтда, Операторга хукуқ берилади ва маъсул ижрочилар (фаолият йўналишига мувофиқ)нинг тўғри киритилиши бўйича маъсулиятга эга бўлади. Мурожаат ҳақидаги маълумотлар фақат электрон шаклда рўйхатдан ўтказилади.

14. Оператор томонидан онлайн-режимида киритилган маълумотлар маъсул бўлинма раҳбари, давлат органининг назорат қилувчи ўринbosари ва раҳбарининг алоҳида компьютерларидағи тегишли дастур интерфейсда акс эттирилиши лозим.

15. “Ишон телефони” орқали давлат органи ваколати доирасига кирмайдиган масалалар бўйича келиб тушаётган мурожаатлар ўрнатилган тартибда маъсул ишчи томонидан тегишли инстанцияга мурожаат қилиш юзасидан тушунтириш ва тавсия тақдим этилади.

Аввалги мурожаатчиларнинг айнан бир хил мазмундаги мурожаати юбасидан муайян қарор қабул қилинган бўлса ва бу хақида уларга ўрнатилган тартибда хабар берилган бўлса, мурожаатларни қабул қилиш рад этилиши мумкин.

16. Кўмитанинг оператори ва маъсул ишчиси томонидан мурожаат билан ишлаш жараёнида жисмоний шахсларнинг шахсий хаёти, юридик шахсларнинг фаолияти хақидаги уларга маълум бўлган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди.

17. Кўмита бўлими томонидан қабул қилинган қарор ёки амалга оширилган харакатлар (харакатсизлик) устидан шикоят қилинган мурожаатлардан ташқари бошқа барча мурожаатлар кўриб чиқиш учун мазкур бўлинмаларга тақдим этилади.

18. Ариза ёки шикоятлар давлат органига келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичida, кўшимча ўрганиш ва (ёки) текширув, кўшимча хужжатлар сўрови талаб этилган тақдирда- бир ой муддатга қадар кўриб чиқилади.

Текширув ўтказиш, кўшимча материалларни талаб қилиб олиш ёки бошқа чоралар кўриш зарурияти пайдо бўлганда, мурожаат қилувчини хабардор қилган холда, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати истисно тарзида, лекин бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

19. Мурожжат кўриб чиқилгандан сўнг хамда масалага моҳият жихатидан ечим топилгач, мурожаатчига у мурожжат қилган пайтда қандай қабул қилиниши истаги бўлса, худди шундай шаклда жавоб юборилади.

20. Мурожаат раҳбари ёки ваколатга эга бўлган бошқа лавозимдаги шахс томонидан назорат ва ижродан ечилади.

21. Жавоблар юборилган мурожаатлар ўрнатилган тартибда назоратдан ечилади.

3-боб.Мурожаатларни аудио ва видео тарзда ёзиш тартиби

25. Сервер 3 йил давомида мурожаатларнинг аудио ва видеофайлларни саклаш учун етарли диск майдонига эга бўлиши зарур.

26. Сервер RAID 10 мустақил дисклари массивида “дискни иш устидаги алмаштириш” имконияти билан курилиши зарур.

27. Сервер бир вақтнинг ўзида конференц алоқа форматида 10 та кирувчи мурожаатни ишлашига имкон берувчи унумдорликка эга бўлиши керак.

28. “Ишонч телефони” кўп каналлик режимида амалга оширилиши лозим.

29. ДТ юкланган мурожаатлар маълумотлари билан хамкорликда кўп фойдаланувчи тартибида ишлашга имконият тақдим этиши зарур.Харажатларни қисқартириш мақсадида ташкилот миқиёсида интеграция қилинган ижро интизоми дастурий таъминотнинг мавжудлиги холатида бундай дастурий таъминот функциялари модуль ва шакллар билан тўлдирилиши мумкин.

Айни пайтдая, API бўйича айнан ўхшаш марказлашган тизимга ДТ модулини интеграция қилиш мажбурий равишда хисобга олиниши керак.

30. Ишланаётган ахборотдан рухсатсиз эркин фойдаланиш ёки ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятини чеклаш холатларини келтириб чиқарувчи, ахборотга зарур етказувчи, йўқ қилувчи ва бузиб талқин этувчи хатти-харакатлар хамдасервер ва ДТ фаолиятининг штат режимини ўзгартиришнинг олдини оловчни восита ва усувлар таъминланган бўлиши зарур.

31. ДТ кўмита фаолиятининг энг муҳим йўналишларига ургу берган ҳолда ёки муаян ишчилар бўйича келиб тушган мурожаатлар юзасидан “Ишонч телефони” орқали қабул қилинган мурожаатларни ватоматик режимда таҳлил қилиш лозим.

ДТ муайян даврийликка мўлжалланган, аниқ бўлинмалар (аноним ва тасдиқланган мурожаатлар кесимида), муносабат билдирилган мурожаатлар сони,хабарларга жавоблар бериш ва бошқалар бўйича таҳлил созламалари функциясига эга бўлиши зарур.

5-боб. Хукуқ ва мажбуриятлар

32. Кўмита раҳбарларининг мажбуриятлари:

- а) мавжуд штат бирликлари доирасида операторни тайинлаш;
- б) қонунчиликка мувофиқ қўшимча фаолият тури учун операторга устама хақ белгилаш;
- в) қабул қилинган мурожаатларни кунлик текшириб бориш ва ўз вақтида муносабат ьилдирилишини таъминлаш;
- г) ҳар бир факт бўйича ўрганишлар ўтказиш, коррупция йўналишидаги фактлар ўз тасдигини топган холатларда тегишли чоралар кўриш;
- д) қонунчиликда белгиланган холатларда коррупция йўналишидаги фактлар хақида тегишли хукуқ-тартибот органларни хабардор қилиш;
- е) “Ишонч телефони”нинг кун-у тун ишлашини ташкил этиш учун техник чора тадбирлар мажмуини амалга ошириш;
- ж) ҳар чоракда давлат органининг расмий сайтида “Ишонч телефони” фаолияти асосида статистика маълумотларни жойлаштириб боришни таъминлаш;

33. Операторнинг мажбуриятлари;

- а) мурожаат қилувчига Ф.И.Ш ва яшаша манзили ҳамда жавоб маълумотини юбориш усули (телефон, почта алоқаси, АКТдан фойдаланган ҳолда алоқа ва бошқалар) ҳақида ахборот тақдим этиши зурурлигини билдириш.
- б) “Ишонч телефони” орқали мурожаат қилаётган фуқаролар билан сұхбат жараёнида ўта хушмуомилалик, сабр ва холис муносабатда бўлиш;

в) зудлик билан мурожаат маълумотларни ДТга киритиш ва маъсул шахсларга ўрганиш ва муносабат билдириш учун юбориш;

г) терактлар содир этиш таҳди迪, давлат органи ишчилариға нисбатан жисмоний зўровонликни амалага ошириш хақидаги маълумотлар бўлган мурожаатлар, давлат органи ишчилари томонидан коррупция, таъмагирлик, хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш фактлари хақидаги хабарларни зудлик билан дават органи раҳбарига маълум қилиш;

д) Кўмита расмий сайтида жойлаштириш учун матбуот хизматига “Ишонч телефоны” иши хақида чораклик статистик ҳисоботлар тақдим этиш;

6-боб. Якунловчи қоидалар.

34. Ушбу Низом талабларининг бузилишига сабаб бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.